СССР Давлат китоб палатасининг Ёзма нашрлар палата ўзгартирилган

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 10 январь, сешанба №5(21.768.) Сотувда эркин нархда.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

9 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда 1994 йил якунлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Сессияда республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президент шу кунларда мамлакатимизда босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш, келажак режаларни белгилаш жараёни кетаётганини, шу нуқтаи назардан қараганда Тошкент вилоятидаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади. Хусусан, саноатда, қишлоқ хўжалигида 1994 йили кутилган ўзгаришлар рўй бермади. Мамлакат иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутадиган заводлар, кичик ва қўшма корхоналар яхши натижаларга эриша олмади. Пахта, ғалла етиштириш режаси уддаланмади. Сабзавот, картошка, мева тайёрлаш миқдори 1993 йилга нисбатан камайди. Чорва моллари сони ҳам озайиб кетди. Халқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш, айниқса, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни секин кечмоқда. Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Ислом Каримов вазиятни ўнглаш, аввалги обрўни тиклаш йўлида вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб, халқ депутатлари кенгашининг янги таркиби халқни улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўради, деб ишонч билдирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Эркин Рўзиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(Сессия иши тўғрисидаги тўла ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

Суратларда: сессия ишидан лавҳалар.

А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ЕХҲТнинг Будапештда ўтган учрашуви жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ўрин тутишини қайд этар экан, айни пайтда ташкилот олдида янги вазифалар турганини, Ўзбекистон ЕХҲТ доирасида фаол ҳаракат қилиш ниятида эканини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари жаноб Вильгельм Хойнкка Ўзбекистон Олий Мажлисига демократия ва кўппартиялик асосида ўтган сайлов натижалари хусусида сўзлаб берди.

Суҳбат чоғида, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги аҳвол масаласи муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

9 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Социал-демократик партияси раисининг ўринбосари, Германия Бундестаги депутати Херта Дойблер - Гмелин хоним қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга Ўзбекистонда мамлакат Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримов бошчилигида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги, демократик ҳуқуқий давлатни, адолатли жамиятни барпо этиш борасидаги ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Бу йўлда, деб таъкидлади у, мамлакатнинг янги парламенти ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига якинда биринчи марта кўппартиялилик асосида ўтказилган сайловлар муҳим қадам бўлди. Биринчи котиб меҳмоннинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва сиёсий фаолияти ҳақидаги саволларига жавоб берди.

Херта Дойблер - Гмелин хоним самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилиб, мезбонларга Германия Социал-демократик партияси раҳбари Х.- Й. Фогелнинг саломини етказди. Меҳмон икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар иқтисодий-сиёсий, маданий соҳаларда янада ривожланади, деб умид билдирди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан Германия Социал-демократик партияси ўртасида алоқаларни кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Дўстона вазиятда ўтган учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик, Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси маслаҳатчиси Х. Ю. Кайльхольц ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ПОЛЬША: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Польша Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлатдир. 1989 йил сентябрида таркиб топган Лешек Балцерович раҳбарлигидаги ҳукумат мамлакат сиёсий ва иқтисодий тизимини бутунлай қайта тузиш заруратини тан олди. 1990 йил январдан Польша тубдан бозор муносабатларига ўтишни бошлади. Иқтисодий ислоҳотларнинг ушбу дастури «Балцерович режаси» номи билан машҳурдир.

Бу режа Польшанинг ривожланган мамлакатларда синалган русумдаги бозор муносабатларига ўтишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Умуман, мамлакатда айни пайтгача амалга оширилган ислоҳотларни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: илк босқич («фалаж қилиб даволаш босқичи» ҳам деб аталади), ўтиш даври, таъсирчан чоралар даври.

Жамият иқтисодий асоси тубдан ўзгаришининг илк даври жуда оғир кечди. Тадбиркорликка эркинлик берилиши, мулкчиликнинг барча шакллари тенглиги қонун йўли билан мустаҳкамланганы, монополияга қарши қонун қабул қилинганига қарамай, ўта кескин чоралар қўлланилиши оқибатида мамлакатда товар айирбошлаш 30 фоизга пасайиб кетди. Ишсизлик кескин кўпайди.

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазият ёмонлашгани ҳукуматни ислоҳотлар сиёсатига ўзгартишлар киритишга мажбур этди. Бу босқич моддий ишлаб чиқаришни жонлантириш, корхоналарнинг фаолият юритиши учун молиявий шароитларни яхшилаш чоралари кўрилгани билан аҳамиятлидир.

Миллий иқтисодиётнинг «очиқлиги»ни таъминлаш мамлакат ишлаб чиқаришини юксалтириш омилларидан бири бўлди. Сўнгги йилларда хорижий сармоядорлар Польша иқтисодиётига 2 миллиард доллар миқдорида сармоя киритдилар. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, бу борада, Польша Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Айни пайтда мамлакатда хориж сармояси иштирокидаги етти мингдан зиёд саноат корхоналари ишлаб турибди.

Шу йўл билан 1992 йилда мамлакат ялпи миллий маҳсулоти камайиши тўхтатилди. Кейинги йили эса ялпи миллий маҳсулот 4 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариши эса 6,2 фоизни ташкил этди. Мана икки йилдирки Польшада ялпи миллий маҳсулот йиллик ўсишида барқарорлик кузатилмоқда.

Иқтисодий турғунликдан халос бўлишда хусусий секторни ривожлантириш катта ҳисса қўшди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг эллик фоизидан ортиғи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг далилидир.

Польша халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида миллий валютанинг қадрсизланиши олдини олишда талай муваффақиятларни қўлга киритди. Валюта бозорининг ҳам барқарорлашишига эришилди.

Бу муваффақиятларда 1993 йил сентябрида мамлакат сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг таъсири каттадир. Маълумки, бу муддатда коммунистлардан сўнг мамлакат ҳокимиятини бошқарган «Бирдамлик» («Солидарность») ўз мавқеини бой берган эди. Поляк фермерлари, ишчилари ҳокимият тепасига Польша Деҳқонлар партияси (ПДП) ва Сўл демократик кучлар иттифоқи (СДКИ) келиши учун овоз бердилар. Мамлакат сейми ПДП раҳбари Валдемар Павлякни Бош вазир этиб тайинлади.

Янги Бош вазир ислоҳотлар йўлини сақлаганы ҳолда унинг давлат томонидан бошқарилишига, ўтиш даврида халқнинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Шунга қарамай, мамлакатда умуман, ижтимоий эҳтиёжларга харажатлар камайиб боряпти. Бу ҳол ва ишсизликнинг ошиб бориши (ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 16 фоизни ташкил этди) айрим норозиликларга сабаб бўлаётир.

Польша Европа иттифоқи мамлакатлари билан тўла интеграциялашув йўлини тутмоқда. У ўтган йили февраль ойида НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига ҳам аъзо бўлди. Мамлакат ЕХҲК ва БМТ доирасида жаҳонда тинчлик ва барқарорлик таъминланишида фаол иштирок этмоқда. ЕХҲКнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Варшавада жойлашгани, Польшанинг Югославия можаросини ҳал этишдаги ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Польша собиқ Иттифоқ ҳудудида мустақил давлатлар вужудга келишини хайрихоҳлик билан кутиб олди. Жумладан, у 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 19 мартида эса икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиш, сиёсий ва иқтисодий мазмун билан бойиш жараёнидадир. 1992 йил кузида Польша ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазири Анже Аренадарский раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси юртимизда бўлиб, Ўзбекистон бозори, иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик имкониятларини ўрганди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатимиз корхоналари ва Польша фирмаларининг ўзаро шартномалари асосида ривож топди. 1993-1994 йилларда икки мамлакат ўртасидаги маҳсулотлар айирбошлаш ҳажми йилига 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.

Ўзаро алоқалар ривожига «Натал гўзал» «Тонг-ЭСО», «Комел» каби Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналари катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 8 та шундай корхона фаолият кўрсатяпти. Улар савдо-воситачилик, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатишга ихтисослашган. Бундан ташқари, республикамизда ўз ваколатхонасига эга бўлган, «Полимекс-цекон» ҳамда дизел агрегатлари, «Икарус» русумидаги автобуслар эҳтиёт қисмлари етказиб бераётган «Пезетел», «Бумар трейд» номли Польша фирма ва корхоналари ҳам мамлакатимиз билан яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

1992 йил июнида эса амалий ва маданий ҳамкорликка кўмаклашувчи «Ўзбекистон-Польша» ассоциацияси ташкил этилди. Бу ассоциация ҳам икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшяпти.

Ўзбек ва поляк олимларининг биргаликдаги илмий изланишлари ҳамкорликнинг истиқболли ва самарали жабҳаларидандир. Ўзбекистон Фанлар академияси «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Польша Фанлар академиясининг ядровий тадқиқотлар институтининг биргаликдаги илмий изланишлари, Самарқанд ва Варшава институтлари олимларининг тарих соҳасидаги ҳамкорлиги шулар жумласидандир.

Хабар қилинганидек, шу йил 11-12 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польшага расмий сафар қилади. Ўзбекистон ва Польшанинг ислоҳотларни амалга оширишдаги йўли турлича бўлсада, ўзаро тажриба ва фикр алмашув албатта фойдадан холи бўлмайди. Шу боис ташриф чоғида имзоланадиган ҳужжатлар, мулоқот ва учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Амирқул КАРИМ. (ЎзА)

КЎПРИКМИСАН КЎПРИК

Луқма

Бу дунёда Пайариқ деган бир туман бор экан. Унинг ҳудудида Халқобод аталмиш хўжалик, хўжаликда эса Қудуқча дейиладиган қишлоқ, ва сув қурилиши бўйича туман ташкилотида Тошпўлат Абдусатторов деган раҳбар бор экан. Хуллас, шу киши бошлиқ ташкилот кўп хайрли ишлар қиларкан. Айтайлик, кўприкмисан кўприклар қуриб халқнинг дуосини оларкан. Мазкур қишлоқда ўтган йили февраль ойининг биринчи кунида ажойиб кўприк бунёд этишибди азаматлар. Унинг ажойиблиги шунда эканки, ҳали тўла битмасада кишиларга хизмат қила бошлабди. Орадан йиллар, э кечирасиз, ойлар ўтибди ва декабрь ойи ҳам келибди. Қарангки, сел деган бир бало ҳалиги кўприкни ўзи билан... Шундан буёғи қудуқчаликлар ўз «миннатдорчилик»ларини кимга айтишларини билишмасмиш. Бояги катта Абдусатторов деган акамиз ҳам бу дуоларнинг «савоби»ни ўзига юқтиргиси йўқмиш. Бу ҳақида хўжаликнинг бош зоотехниги Яллабой Нуриддинов куйиниб юрибди. Ҳа, дарвоқе, ёмғир ёққан кунлари кўпчилик ишга ҳам бормасмиш, аниқроғи, боролмай нуқул дуо қилишармиш. Кимни дейсизми? Энди буёғини ўзингиз билиб олаверинг...

Дуоларга «Ўзбекистон овози» мухбири Хусан ЭРМУҲАММАД ҳам қўшилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. М. РЎЗИЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12 банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. ИКРОМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мирзамурот Икромов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил, 9 январь.

СУВ ТЕГИРМОНИ ИШГА ТУШДИ

Бухоро (мухбиримиздан). Вобкент туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигининг Розмоз қишлоғида сув тегирмони қурилиб ишга туширилди.

Тегирмон бир кеча-кундузда 1,5-2 тонна ғаллани унга айлантириш қувватига эга. Қишлоқ аҳли энди унни қаерда тортиш керак деган ташвишдан холи бўлишди.

ЯККАБОҒ ХАЗИНАСИ

Қашқадарё (мухбиримиздан). Яккабоғ туманида чинни буюмлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё топилди.

Бу хом ашё Самарқанд чинни заводида муваффақиятли синовдан ўтказилди. Мутахассисларнинг мулоҳазаларига қараганда, хом ашё заҳираси жуда мўл экан. Уни Қашқадарё геология қидирув экспедициясининг геологлари топишди. Геологлар Тошқўрғон, Кўмирли, Гулдара фойдали қазилмалар майдонида 4-5 миллион тонна кўмир, шунингдек, туман ҳудудида ўтга чидамли хом ашё, мармар, кўрғошин каби фойдали маъданлар борлигини аниқладилар.

Илҳом КАРОМОВ.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Туман партия кенгашимиз ўтган уч йил давомида партия сафини мустаҳкамлаш ва унинг кенг омма орасидаги обрў-эътиборини оширишда қатор ишларни амалга ошираяпти. Бошланғич партия ташкилотларининг сони ўсиб, 46 тага етди. 1500 киши ўз тақдирини партия билан боғлади. Кейинги уч ойда 150 дан ортиқ турли соҳа кишилари ХДПга қабул қилинди. Уларнинг орасида ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, деҳқон ва фермерларнинг борлиги партиямизнинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Партия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, ишчи ўринларини барпо этишда, истеъмол бозорини хилма-хил моллар билан бойитишда ўз аксини топяпти. Фермер Гулсара Имомбердиева А. Навоий номли жамоа хўжалигидан 9 гектар ер олиб, қорамолларни парваришлашга киришган эди. Кўп ўтмай у бу соҳани ривожлантириб, яна бир муҳим ишга қўл урди. Уйида цех очиб, гилам ишлаб чиқаришни, рўмол тўқишни йўлга қўйди. II гуруҳ ногирони Юсуфжон Эшонқулов эса ўқитувчилик билан бирга ишбилармонликни ҳам уддаламоқда. Унинг меҳнатга яроқли ногиронларни тўплаб очган «Меҳр» кичик корхонасида 50 киши ишлаб, тикув ва тўқув ишлари бўйича тушган турли буюртмаларни яхши адо этмоқдалар.

Олдимиздаги муҳим ишларни амалга ошириш билан қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, янги иш ўринларини кўпайтиришга, халқимизнинг маиший хизмат соҳаларига бўлган талабини қондиришга эришамиз.

Абдумалик ЖУМАНАЗАРОВ,
ЎзХДП Булоқбоши туман кенгашининг иккинчи котиби.

Сўз -- бошланғич партия ташкилоти котибига

КУЧЛАРНИ ЖИПСЛАШТИРИШ

Ўзбекистон ХДП партияси ташкил этилгандан буён халқнинг эътиборига, ҳурматига сазовор бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки бизнинг ҳаракат дастуримиз ва низомимиз мазмун моҳияти мустақиллик сиёсатининг йўналишларига мос. Сафдошларимиз республика раҳбарияти, хусусан Президентимиз амалга ошираётган эзгу ишларни чин дилдан қўллаб-қувватламоқдалар, амалий ёрдам бермоқдалар.

Биргина бизнинг Ўзбекистон -- Америка «Фангзар» қўшма корхонаси филиалини олиб кўрайлик. Директоримиз О. Нафасова ва партия фаоллари йиллар давомида бирорта ҳам саноат корхонаси бўлмаган Пайариқ туманида пахта заводи қуришга муваффақ бўлдилар. Туман пахтаси эндиликда шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Ўтган йили 400 тонна тола ишлаб чиқардик. Ҳозир ҳам янги ҳосилнинг маҳсулоти тегишли манзилларга жўнатилмоқда.

Заводимизда унумли меҳнат қилиш учун барча шароитлар яратилган. Ҳар сменада 15 -- 20 тоннагача хом ашё қайта ишланмоқда. Бу борада Қ. Файзуллаев сменаси барчага ибрат. Шуниси қувончлики, уларнинг барчаси бизнинг йўлни танлаб, биринчилар қаторида ХДП сафига ўтдилар. Бошланғич ташкилотимизда ҳозирги пайтда 30 нафардан зиёд партия аъзоси бор.

Обуна мавсумида маъмуриятнинг ёрдамида 30 нафар илғор ишчиларни «Ўзбекистон овози» газетасига бепул обуна қилиб мукофотладик.

Ширинбой БУРҲОНОВ,
Пайариқ туманидаги пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотининг котиби

ХДП ҳаётидан

БАХТЛИ ЮМУШ

Касби туманидаги Алишер Навоий номли жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви аъзолари ҳукумат сиёсатини жойларда тарғиб ва ташвиқ қилишда бир талай тадбирларни амалга оширмоқдалар. Аҳолини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги ҳукумат Фармойишини амалда ижро этишмоқда. «Ленинизм» ҳамда Хўжа Касби маҳаллалари газлаштириляпти. Қорахўжа қишлоғида эса аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш учун қувурлар ўтказилди. Айни пайтда юз ўринли болалар ва катталар оромгоҳи, учта янги мактаб қуриляпти.

-- Хўжаликда иқтисодий ислоҳот талабларига жавобан макарон, ғишт, болалар кийим-кечаклари, чолғу асбоблари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ташкил этилган. Буларнинг ҳаммасида ХДП аъзолари фаолият кўрсатишмоқда, -- дейди хўжалик бошқаруви раиси Зикриё Асроров.

Хўжалик бошланғич партия ташкилоти аҳолининг маънавий ва маиший ҳаётида ҳам бир қанча ўзгаришлар ясаяпти. Жумладан, сентябрь-октябрь ойларида лотин алифбосини ўргатиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. 105 киши ўқишни тўлиқ ўзлаштирди. Ёшлар Иттифоқи туман қўмитаси билан ҳамкорликда ёш келин-куёвларнинг висол тўйлари файзли ўтказилмоқда. Хўжалик бошланғич партия ташкилоти томонидан уюштирилаётган бу анъана борган сари оммалашиб боряпти.

-- Сафимизга кўпроқ ёшлар қўшилмоқдалар. Ҳозирча аъзолар сони 260 нафарга етди, -- дейди хўжалик бошланғич партия ташкилотининг котиби Ботир Арабов.

-- Сизга ҳам қийин бўлса керак? -- деб сўрайман ундан.

-- Масъулиятли иш, лекин эл фаровонлиги учун «югуриш»дан бўлак шарафли, бахтли юмуш бормикан дунёда?!

Партия обрўси партия аъзолари қўлида. Шу маънода Алишер Навоий номидаги жамоа-ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти эл ҳурматида. Биз уларнинг ибратли ишларидан бирмунчасини айтдик, холос.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ҳаётидан

Фан-техника тараққиёти йўлида

«АЛОМАТ МАШИНАЛАР»

Ҳозирги замон фан-техникаси, кундалик ҳаётни замонавий ҳисоблаш машиналарсиз, компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, инсоният мавжуд экан, у янгиликка интилади, фан-техниканинг ўрганилмаган, очилмаган қирраларини очишга ҳаракат қилади. Илгари олимлар жисмоний меҳнатни техника зиммасига юклашга эришган бўлса, бугунга кунга келиб ақлий меҳнатни ҳам уларга юклашмоқда. Модомики, бу одамлар вақтини тежабгина қолмай, уларнинг яхши яшаши, ишлаши учун бир қатор енгилликлар ҳам бермоқда. Ўзбек Ҳисоблаш Техникаси ва Информатика ишлаб чиқариш Бирлашмаси (ЎзҲТИИБ) бош директори ўринбосари Саид Мақсудхўжаев билан суҳбатимиз ҳозирги замон ривожланган информатика ва ҳисоблаш машиналари, компьютер, оргтехникаларни мамлакатимиз иқтисодиётига киритиш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганлиги хусусида бўлди.

-- Саид Норбўтаевич, бирлашма фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берсангиз.

-- Бирлашма Иттифоқ даврида Иттифоқда ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирувчи мамлакатларда ишлаб чиқарилган ҳисоблаш машиналарини ишлатиб бериш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёнинг беш республикаси учун хизмат қилар эди. Уларнинг баъзилари билан ҳозир ҳам алоқаларимиз бор.

Бугунги асосий мақсад, бирлашманинг имкониятларидан республикамиз равнақи учун самарали фойдаланиш. Ҳозирги даврга келиб ЎзҲТИИБ ўзининг Тошкент, Самарқанд, Андижондаги ҳисоблаш техникаси корхоналари ва илмий ўқув маркази билан биргаликда электрон-ҳисоблаш машиналари, IBM компьютерларининг барча моделларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Юқори малакали мутахассисларнинг, корхоналарнинг, ишлаб чиқариш майдонларининг етарли бўлиши бизга яқин келажакда компьютерлар, электрон-ҳисоблаш машиналари, оргтехникалар ва назорат касса аппаратларини йиғиб, ишлаб чиқаришга имкон беради. Натижада биз Ўзбекистонда ва бошқа чет давлатларда ишлаб чиқарилган ҳисоблаш техникаларининг кафолатли хизмати ва ундан кейинги хизматларни ўз бўйнимизга олишимиз мумкин бўлади. Бундай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш марказини барпо этиш бўйича Ўзэлтехсаноат ассоциацияси билан биргаликда жиддий бош котиряпмиз. Бунинг учун эса энг муҳими, малакали миллий кадрлар керак. Шу ўринда ҳозир бизда ўқитилаётган мутахассисликларни санаб ўтишни зарур деб ўйлайман.

1. «IBM PC»да иш бошловчилар учун практика
2. Компьютер -- ҳисоблашда.
3. Clipper 4Ф, 5Ф1 тизимида Паскал, Cu++, Бейсик тилларида дастурлаштириш
4. Тизимли бошқарув
5. Компьютер хонаси учун секретарь.
6. Электрон жадваллар.
7. «Windows» қобиғи иш услуби» курслари мавжуд.

Курсни тугатганларга мутахассисликни тасдиқловчи халқаро намунадаги гувоҳномалар берилади. Бу тоифадаги гувоҳномалар билан чет мамлакатларда ҳам ишласа бўлади.

-- Назорат касса аппаратлари (НКА) ҳақида ҳам фикрларингизни билмоқчи эдик.

-- Ўтган йилнинг апрель ойида НКАнй савдо соҳасининг барча тармоқларига жалб этиш бўйича ҳукумат қарори чиққан эди. Бизга эса бутун Ўзбекистон бўйича мана шу машиналарнинг узлуксиз ишлаб туриши учун хизмат кўрсатиш юклатилган. Тошкент шаҳрида ўқув маркази ҳисобчи-оператор тингловчиларни қабул қилишга тайёр. Вилоятларда ҳам бу борада ишлар жадал олиб бориляпти. Ишни яхши ташкил этиш ва етук мутахассислар тайёрлаш бўйича «Ал Фаросат» қўшма корхонаси, Американинг «MZ Pacific» ҳамда Жанубий Куриянинг «Samsung» фирмаларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан биргаликда битим тузганмиз. Бу вазифанинг уддасидан чиқамиз, деб умид қиламиз.

-- НКАнинг афзаллик томонлари нимада?

-- Бу тизимга ўтсак, савдода анча тартиб бўлади. Бу пул айланишига ҳам, солиқларнинг ҳаққоний бўлишига ҳам, маҳсулотларнинг ўз нархида сотилишига ҳам ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳар бир сотилган нарсанинг баҳоси, миқдори, сотилган куни икки нусхада чек тарзида чиқариб берилади. Харидор сотиб олган нарсаси ҳақида чекини талаб қилса бас. Бундан ташқари машинани ўчириб қўйган тақдирда ҳам у савдо қилган нарсалар ҳақида маълумотни ўз хотирасидан 2-3 йилгача ҳам чиқармайди. Солиқ инспекторларига эса дўкончидан кўп нарсани сўраб ўтиришга ҳожат қолмайди. Фурсатдан фойдаланиб ташқилот, корхона раҳбарларига бунақа машиналарни сотиб олишда шошма-шошарликка йўл қўймасликларини тавсия қилар эдим. Биз уларнинг ичида энг яхшиларини танлаб республикамизга киритишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки кафолати, эҳтиёт қисмлари билан қизиқмасдан иложимиз йўқ.

Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши деганларидек, бу аломат машиналарнинг бугунги кунда жамиятимизга нечоғли зарур эканлиги тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳозирча бу хилдаги машиналарнинг Ўзбекистонда ишлаб чиқарила бошлайдиган кунини умид билан кутамиз.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲСУЛОТ АЙИРБОШЛАШ ЭВАЗИГА

Ғазалкент консерва заводи маъмурияти корхонани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида бор имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Ўтган йили корхона нафақат Бўстонлиқ, балки қўшни туманлар хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни ҳам қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Ўн хилдан зиёд консерва маҳсулотларининг маълум қисми Россияга жўнатилиб, ўрнига қурилиш материаллари олинди. Унинг эллик фоизи завод эҳтиёжи учун қолдирилиб, қолган шунча фоизи жамоа хўжаликларига тарқатилди. Янги йил арафасида эса корхона маблағи ҳисобига 42 хонадонга мўлжалланган уй қуриб битказилди.

Заводнинг тўртта фирма дўкони аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Ҳалемай, шундай дўконлардан бири Россияда ҳам ишга туширилди. Бу йил маҳсулот айирбошлаш ҳажмлари янада кўпайиши кўзда тутилган.

Абдунаби МАННОПОВ.

ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БЎЛАДИ

Айни пайтда мустақиллик шарофати билан ўзлигимизга қайтиб, аждодларимиз руҳини шод этяпмиз. Демократик, ҳуқуқий давлат сари юз тутилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар янгича ишлашни, ёниб яшашни ва хориж мамлакатлар билан кенг алоқани йўлга қўйишни тақозо этаётир. Шу боисдан ҳам юртбошимизнинг қатор давлатларда бўлиши ўзаро, ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга асос солмоқда. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва қатор халқаро ҳамжамиятларга аъзо бўлиши, юртимизда чет эл давлатларининг элчихоналари, айни пайтда хориждаги асосий етакчи давлатларда юртимиз элчихоналарининг ишлаб турганлиги шулар жумласидандир.

Мен -- бутун умрини ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган оддий ўқитувчи сифатида юртбошимизнинг яқинда Олий Кенгаш сессиясида сўзлаган нутқини тўла қувватлайман. Ҳақиқатан ҳам ғаллачилик, нефть ва бошқа мамлакатимиз учун ғоят ҳаётий зарур бўлган соҳаларни кескин ривожлантирмасдан туриб, том маънодаги иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб бўлмайди. Ўзбекистонимизнинг келажакда буюк давлат бўлиши учун эса, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий камолот таъминланиши керак. Унга эришишда, касби-коримиздан қатъи назар-ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз даркор. Ана шундагина миллатимиз шаъни, давлатимиз шавкати таъминланади. Ана шундагина дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлади.

Толиб ЮСУПОВ,
меҳнат фахрийси.
Янгийўл шаҳри.

Иқтисодий ислоҳот -- амалда

ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокими ўринбосари Неъматжон АКБАРОВ билан суҳбат.

-- Маълумки, Президентимизнинг 1994 йилнинг 21 январидаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ўзига хос инқилоб бўлди. Чет эл сармоясининг мамлакатимизга жалб этишига кенг йўл очилди. Энг муҳими, қонун йўли билан муҳофаза қилинган ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракати қизғин авж олдирилди.

-- Неъматжон Набижонович, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг етакчи бўғинига айланиб бормоқда. Бу борада вилоятда қилинаётган ишлар ҳам кам эмас.

-- Албатта. Аввало шуни алоҳида эътироф этмоқчиман. Мулкчиликнинг турли шаклларини юзага келтириш билан ўзаро иқтисодий рақобатни шакллантириш, моддий бойликлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган турли хизматларни кўпайтириш бозор иқтисодиётининг муҳим шартидир. Бу жиҳат хусусийлаштиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган мураккаб жараён эканлигини ҳам кўрсатиб турибди. Уни амалга оширишда шошма-шошарлик кетмайди. Мавсумийликка йўл қўйиб бўлмайди. Маъмурий буйруқбозлик усулларига ён берилмайди.

Вилоятимизда ўтган йил 320 та халқ хўжалик иншоотини хусусийлаштириш режалаштирилган эди. Бошқармамизга тушган 765 та ариза хусусийлаштиришга бўлган эътибор тобора ортаётганлигини кўрсатди. Ҳозиргача 672 та иншоотни мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказиб, хусусийлаштирдик. 491 та иншоот хусусий мулкка айлантирилди. Шундан 121 таси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тариқасида фаолият кўрсата бошлади. Қолганлари эса жамоа мулкига айлантирилди. Бу ишлар эвазига давлат ҳисобига 11,5 миллион сўм ўтказдик.

-- Бошқармада хизмат соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган янгиликларга ҳам тўхталиб ўтсангиз?

-- Ҳозирги кунда республика бюджетидан маблағ ажратилаётганига қарамай хўжалик ҳисобида иш юритишга ҳаракат қиляпмиз. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи мустақил иш юритиш ҳуқуқига ва юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар тузилмоқда. Бошқармамиз ҳомийлигида тузилган «Аудит -- жазм» фирмаси масъулияти чекланган жамият шаклида республика Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Корхона ва ташкилотларга пуллик хизматлар «Осиё консалтинг» гуруҳини ҳам анча жонлантириб юборди. Шунингдек, Хонобод шаҳрида тузилган «Аудит-ЛТД» фирмаси ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда, ҳужжатларни расмийлаштиришда бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Кимошди савдосини ўтказиш бўйича иш олиб бораётган «Аудит-ЛТД» маркази сотилган мулкнинг эгасига харидор топишда кўмаклашмоқда.

Вилоятимизда республика кўчмас мулклар биржасининг филиали ишлаб турибди. Коммунал мулкларни ижарага бериш бўйича махсус ташкилот ишлаб турибди. Масъулияти чекланган «Ҳурмат» суғурта компаниясининг хизмати кўпгина жиҳатлари билан андижонликларга маъқул тушяпти. Бошқармамиз ҳузурида иш олиб бораётган «Хусусийлаштириш» марказининг Андижон, Хонобод шаҳарлари, Хўжаобод ва Жалолқудуқ туманларида ҳам ташкил этилиши кўпчиликка катта қулайлик яратди.

«Синюринвест» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти бизнинг яқин ҳамкоримизга айланган. У айни пайтда қимматбаҳо қоғозлар бозорини яратиш устида иш олиб боряпти. Миллий депозитларни, акцияларни ташкил этибгина қолмай, ҳиссадорлик жамиятларини тегишли давлат, бошқарув органларида қайд этиш, бевосита бланкали ва бланкасиз акциялар чиқариш, эмиссия ишларини расмийлаштириш билан боғлиқ юмушларни ҳам юзага чиқармоқда. «Тошкент» жамғарма биржасидан сотиб олинган 2 та брокерлик ўрни орқали биржанинг савдоларида қатнашяпмиз.

-- Бошқарма давлат мулкини ўзгартириш билан кифояланиб қолмаётган бўлса керак. Тадбиркорларни ўз имкониятлари даражасида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қандай натижа бермоқда?

-- Бу борада вилоятимиздаги барча бошқармалар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Ўтган даврда тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Тадбиркорбанк»ига, банкнинг Олтинкўл, Андижон шаҳри ва туманларидаги бўлимларига, шунингдек, «Деҳқончилик саноат банки», «Саноатқурилиш» банкига махсус шартномалар асосида 2-3 ой муддатга депозитга 5 миллион сўмлик маблағ бердик. Яқинда бошқармамиз «Андижонбанки»дан, «Саноат-қурилиш» банкининг Андижон шаҳридаги Бобур бўлимидан 5-6 минг сўмлик акцияларни сотиб олди. Улардан келадиган дивидендларни бошқармамизнинг моддий-техника базасини яхшилашга йўналтиряпмиз.

-- Келгуси режаларингиз ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

-- Яқин кунларда вилоятда инвестиция жамғармасини ташкил этмоқчимиз. Келгусида «Холдинг» компаниясини вужудга келтириш ниятимиз бор. Бугунги куннинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, махсус валюта ҳисобини очиш тараддудидамиз.

Суҳбатдош: Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП нуфузи кўп жиҳатдан аъзоларининг фаоллигига боғлиқ. Партия сафини ҳалол, фидойи ва маҳалла-қўйда обрўси баланд кишилар билан тўлдириш ҳисобига фаолиятини яхшилаш, кўпроқ халқ ичига кириб бориш, қолаверса, нуфузини ошириш мумкин бўлади. Бу борада ёшлар билан бир қаторда сергайрат фахрийларга эътиборни қаратиш, улар кучидан фойдаланишга тўғри келади.

Пойтахтимиздаги Миробод туман партия кенгаши фаоллари ҳам бунга амал қилиб, кўпни кўрган кексалардан сафини кенгайтириб бораяпти.

СУРАТДА: туман партия кенгаши биринчи котиби Баҳодир Дадабоев Сариқўл маҳалласи фахрийларидан бири Рауф ота Баратовга партия билетини топшираётган пайт.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

«Ўзбекистон» республика фирма савдо бирлашмаси
«ОҚ ОЛТИН» САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНТИРИЛДИ
РФСБ жамияти «Ўзбекистон»нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
Манзили: Тошкент, Олмазор кўчаси, 67 а.

«ОҚ ОЛТИН» САВДО ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Оқ олтин» савдо ҳиссадорлик жамияти ўзининг омборларидан ва дўконларидан улгуржи ва чакана савдо йўли билан «Ўзбекенгилсаноат» корхоналарида ишлаб чиқарилган тайёр кийимлар, трикотаж, шойи газламалар, оёқ кийимлар ва бошқа турдаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга энг арзонлаштирилган нархда сотади.

Мулкка эгалик шаклидан қатъий назар барча ташкилотларни, шахсий тадбиркорларни биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

«Оқ олтин» ҳиссадорлик жамияти дўконларининг манзиллари:

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА:
1-дўкон, Навоий кўчаси, 18. Тел: (код 3712) 41-23-61
2-дўкон, Чорсу майдони. 42-28-89
3-дўкон, Фарҳод ярмаркаси. 76-60-48
4-дўкон, Маҳсидўзлик, 4. 44-38-45
7-дўкон, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 4 аб. 45-53-60
17-дўкон, Навоий кўчаси, Савдо растаси. 44-60-73

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА:
8-дўкон, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 27. Тел: (код 36222) 68-966
9-дўкон, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кўчаси, 11. Тел: (код 36922) 37-438
10-дўкон, Чирчиқ шаҳри, 10-микрорайон, 3. Тел: (код 271) 20-738
11-дўкон, Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 54 а. Тел: (код 37422) 54-364
13-дўкон, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, КФЗ. Тел: (код 37337) 32-480
15-дўкон, Наманган шаҳри, Машраб кўчаси. Тел: (код 36922) 37-438
16-дўкон, Қарши шаҳри, Шибаев кўчаси, 6-микрорайон. Тел: (код 37522) 44-496
18-дўкон, Ғиждувон шаҳри, Деҳқон бозори. Тел: (код 36557) 21-346
19-дўкон, Қўқон шаҳри, Афғонбоғ кўчаси. Тел: (код 43400) 25-301
20-дўкон, Қўқон шаҳри, А. Т. Хўқандий мавзеси. Тел: (код 43400) 36-152
21-дўкон, Жомбой шаҳри, Ғаллакапа кўчаси. Тел: (код 36647) 52-789

«ОҚ ОЛТИН» САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 67-а уй.
Тел: 44-53-57, 44-26-06.

НАФАҚА МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

Қирғизистон Республикасида янги йилдан бошлаб мамлакатдаги энг паст нафақа миқдорини ошириш ҳақида Президент Асқар Акаевнинг фармони эълон қилинди.

Фармонга биноан, аввал 70 сом қилиб белгиланган энг кам нафақа энди 128 сомни ташкил этади. Меҳнат нафақалари миқдори ҳам босқичма-босқич оширилади.

КУБАГА РАСМИЙ ТАШРИФ

Қозоғистон ташқи ишлар вазири Косимжўмард Тоқаев Куба Республикасига расмий ташриф буюрди.

«Куба Қозоғистонга шакар ва дори-дармонлар етказиб бериши мумкин. Бунинг эвазига Қозоғистон Кубага нефт маҳсулотларини таклиф этади», деди у журналистлар билан учрашувда.

ЯНГИ ПАРТИЯ

Тожикистон Республикаси Адлия вазирлигида халқ бирлиги партияси рўйхатдан ўтди. Шундай қилиб, мамлакат сиёсий майдонида янги партия пайдо бўлди. Унга президентликка собиқ номзод, Тожикистоннинг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдумалик Абдуллажонов раҳбарлик қилмоқда.

Ўтган йилнинг 6 ноябрида бўлиб ўтган президент сайловида Абдумалик Абдуллажонов Имомали Раҳмоновдан 15 фоиз кам овоз олган эди. Лекин Ленинобод ҳамда Тоғли-Бадахшон мухтор вилоятлари сайловчилари томонидан қўллаб-қувватлангани уни янги партия ташкил этишга ундади. Партия мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий тангликни бартараф этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш каби вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

РЎЙХАТГА ОЛИНМАДИ

Қирғизистон Республикаси прокуратураси мамлакатда ташкил этилган «Уйғур озодлик ташкилоти» (УОТ)ни расман рўйхатга олмаслигини билдирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

УОТ ва уйғурларнинг «Иттифоқ» маданий-маърифий маркази раҳбарлари ХХРдаги Шинжонг-Уйғур мухтор туманини Хитой таркибидан ажралиб чиқиши учун ташвиқот юргизган.

Қирғизистон прокуратураси мазкур ташкилот ва марказни республика қонунларига ҳамда халқаро ҳуқуқ мезонларига зид бўлган бу каби фаолиятига чек қўйиш ҳақида ёзма равишда огоҳлантирди.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Боқий шаҳара

ҒАЗНАВИЙЛАР

(Ўн учинчи мақола)

Шундай қилиб, X-XI асрларда Марказий Осиё бир қанча сиёсий бўлакларга тақсимланган ҳолда бошқарилди. Биз қуйида сўз юритмоқчи бўлган Ғазнавийлар сулоласи шу даврда фаолият кўрсатган сиёсий кучлардан бири ҳисобланади.

Ғазнавийларнинг сиёсий куч сифатида юзага келиши ва юксалиши масаласида ҳам биз «совет» тарихшунослиғидаги мавжуд баъзи бир қарашларни қабул қила олмаймиз. Одатда Ғазнавийларни (демак, уларнинг замонини ҳам) асосан салбий томондан кўрсатишга интилиб келинган, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, бу сулола асос топган макон Ғазна «исёнкор турк лашкарбошилари» учун бойлик орттириш учун қулай жой сифатида шарҳланиб, ўзўзидан шу ерда кучга кирган ва шу шаҳар (вилоят) номи-ла танилган Ғазнавийлар сулоласи тарихи ҳам гўё худди шундай мақсадда юзага келган ва фаолият кўрсатгандай баён этилган. Умуман олганда, бу «совет» тарихшунослиги учун хос нарса. (Масалан, кишилик тарихида катта ўрин тутган буюк аждодларимиздан Амир Темурнинг болалик, ўспиринлик йилларини, ҳатто дунёга келишини ҳам қандайдир бир салбий баҳо ва ривоятлар билан тасвирлашга уринилган). Аслида эса мазкур воқелик сабаблари бир нечта. Биринчидан, Исмоил Сомонийдан сўнг Сомонийлар орасидан ҳар жиҳатдан етук, юқори даражада сиёсат юргиза оладиган арбоб етишиб чиққани йўқ. Бунинг оқибатида Сомонийлар ўз ички, яъни сулолавий имкониятларидан кўра кўпроқ мавжуд сиёсий муҳит қонун-қоидаларига боғлиқ бўлиб қолганлар. Сиёсий муҳитни эса бу вақтда нуфузли лашкарбошиларсиз тасаввур қилиб бўлмасди. Ғазна вилоятида сиёсий фаолликнинг кучайиши ва бориб-бориб алоҳида бир сулола даражасига кўтарилиши ҳам худди шундай йирик лашкарбошилар номи билан боғлиқ бўлганини биз қуйида кўрамиз.

Иккинчидан, Марказий Осиё минтақаси сиёсий, маданий тараққиётининг ўзига хос томонларидан бири -- бу айни пайтда бир қатор ўзига яраша кучли давлат арбобларининг, сиёсий сулолаларнинг юзага келишидир (худди маданий хаётдаги каби).

Ғазнавийлар сулоласи қандайдир бир «ўлжапарастлик» кетидан эмас, балки минтақада кечган сиёсий-ижтимоий муносабатлар муҳитида юзага келганлигига гувоҳликлар манбаларда етарли. Юқорида биз Сомонийлар саройида йирик лашкарбошилар тутган катта мавқе ҳақида айтиб ўтгандик. 961-йили Сомоний ҳукмдор Абдулмалик ўлимидан сўнг вазирлар тахтга марҳумнинг ўғлини ўтказадилар. Бунга манба тили билан айтганда, «Сомонийлар хонадони учун мақтовга лойиқ хизматлар қилиб келган ҳамда ноиблик ва лашкарбошилик йўлини тутган» Алптегин қаршилик қилади. Шу тариқа давлат арконлари ва Алптегин ўртасидаги муҳолифлик кучайиб авжига чиқади. Лашкарбоши Бухорони тарк этади. Ҳатто шундан кейин ҳам зиддиятлар тугамай, охирида Алптегин ва Бухоро қўшинлари ўртасида тўқнашув содир бўлиб, бухороликлар мағлубиятга учрайдилар. Сомонийлар хонадони, демак Мовароуннаҳр билан алоқани узган Алптегин 962-йили Ғазна вилоятида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Унинг вафотидан (963-йил) сўнг Ғазнада навбати билан Амир Исҳоқ ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий, Амир Сабуктегинлар ҳукмдорлик қиладилар. Ғазнавийлар сулоласига асос солган ҳам аслида ана шу Сабуктегин бўлади (Шу билан бирга Ғазнанинг сиёсий марказларидан бирига айланишида биринчи салмоқли қадамни Алптегин қўйганини ҳам эсдан чиқармаслик керак).

Зикр қилинганидек, Алптегин Сомонийлар билан алоқаларни узган бўлишига қарамай, Сомонийлар Ғазнада мужассамланган ва қулоч ёйиб бораётган сиёсий-ҳарбий кучга доимо эҳтиёж сезиб келганлар. Бунинг яққол исботини Сабуктегин ва Сомоний Нуҳ III (976-997) билан Кеш атрофидаги бўлиб ўтган учрашуви (бунда Сабуктегин Нуҳни қўллаб-қувватлаш ҳақида ваъда берган) ё бўлмаса 994-йили Сомонийларнинг энг ашаддий душманларидан Абу Алининг тор-мор этилишида Сабуктегиннинг тутган асосий ўрни орқали кўриш мумкин. Сабуктегин обрў-эътибори сўнгги даврда шу даражада юқори бўлганки, у «Дин ва давлат ҳимоячиси» (Носируддин ваад давла») фахрий унвони билан машҳур эди.

Ҳам расман, ҳам амалан Ғазнавийларнинг сиёсий куч сифатида тан олиниши 996-йилга тўғри келади, десак ўринли бўлади. Олдинги мақолада кўриб чиқилганидек, Қорахонийлар бир неча марта Бухорога таҳдид соладилар. Тилга олинган йили эса Сабуктегин Сомонийларни Қорахонийлар «чангали»дан сақлаб қолади. Яъни, Сомоний Нуҳ III рақиби олдидаги заифлигини сезган ҳолда унга мурожаат қилади. Сабуктегин эса Бухорони қўлга олиб, Қорахонийлар билан келишувга имзо чекади. Бунга кўра Амударёдан жанубда жойлашган барча вилоятлар унинг номига муҳрланади.

Сабуктегин вафотидан (997) сўнг аввалига тахтга бир оз муддатга унинг ўғли Исмоил ва 998-йилдан эса бошқа фарзанди Маҳмуд чиқади. Ғазнавийлар қудрати ва шуҳратини оширган ҳукмдор ҳам аслида Маҳмуд ҳисобланади. Чунончи, унинг ҳукмронлиги даврида (998-1030) Хоразм, Хуросон, Сеистон, Қобул, Ғазна, Шимолий Ҳиндистон каби вилоятлар ва маконлар Ғазнавийлар изми-да бўлган. Маҳмуд ўлимидан сўнг тахтга унинг кичик ўғли Муҳаммад ўтиради, ваҳолонки ундан катта ўғли (Масъуд) ҳам бор эди. Шу замон манбалари шарҳига кўра Маҳмуд тахтни кичик ўғли Муҳаммадга васият қилиши билан бирга унга «Аканг Масъуд билан қарама-қаршиликка борма, агар у сенга қарши чиқса, урушиб юрма, (бекор) нобуд бўласан» деган. Ҳақиқатан ҳам тез орада Масъуд ва Муҳаммад ўртасида низо юзага келади. Масъуднинг Муҳаммаддан устун бўлганлигини ўрта аср тарихчилари ҳам тан оладилар. Хуллас, шу йилнинг ўзидаёқ Масъуд тахтни эгаллайди.

Илгарилари ҳам кўп марта кўрганимиздек, одатда биронбир сулола тарихида муайян маънода бекаму кўст, доимо «ошиғи олчи» сиёсатчи бир марта чиқади. Ғазнавийлар ҳам бундан мустасно эмасдилар. Шунинг учун ҳам Масъуд даври (1030-1041) асосан Маҳмуд сайъ-ҳаракатлари билан қўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш йўлидаги уринишлар йиллари бўлди, десак тўғри бўлади. Чунончи, 1034 йили Хоразм Ғазнавийлар таъсир доирасидан чиқади. Иккинчи томондан эса Хуросонда бошқа бир сиёсий куч -- Салжуқийларнинг майдонга келиши ҳам худди мана шу Масъуд даврига тўғри келган. 1035 йилги келишувга биноан Масъуд Салжуқийларга (Йабғу, Тўғрил, Довуд бошлиқ қабилаларга) Нисо, Фарова, Даҳистон вилоятларини маскан ва яйлоқ сифатида беришга мажбур бўлади. Вақт ўтиши билан куч-қудрат орттирган Салжуқийлар 1038 йили Нишопурни эгаллайдилар. Шу йилги Сарахс атрофидаги Масъуд билан жангда мағлуб бўлишларига қарамай, кўп ўтмай -- 1040 йили Марв ва Сарахс оралиғидаги Дандоноқонда Салжуқийлар Ғазнавийларга шундай зарба берадиларки, шундан сўнг Сабуктегин авлодлари ўзларини ўнглай ололмайдилар. Хуросон қўлдан кетади. Гарчи Масъуд ўғли Мавдуд (1041-1049) ўз хонадонининг илгариги мавқеини тиклашга уринган бўлса-да, энди фурсат қўлдан кетганди. Ғазнавийлар бундан буён фақат Ғазна вилояти ва Шимолий Ҳиндистондагина «от ўйнатиш»га қодир ҳудудий сулолага айланиб қолгандилар. Бироқ нима бўлганда ҳам улар 1187-йилга қадар ўз фаолиятларини тўхтатганлари йўқ (Мавдуддан сўнг Али, Абдуррашид, Иброҳим, Масъуд II, Арслоншоҳ, Баҳромшоҳ, Хисравшоҳ, Хисрав Маликлар сулолага етакчилик қилганлар).

Ғазнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диққатни жалб этади. У кўп жиҳатдан Сомонийлар, Қорахонийлар бошқарув тизимларига яқин ва ўхшаш. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар қандай бошқарув тизими (шакли) мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий борлиққа боғлиқ бўлади. Бошқа томондан эса Ғазнавийлар ҳукмронлиги остида бўлган Хуросон, Сеистон, Қобул, Ғазна, Шимолий Ҳиндистон кабилар Марказий Осиёнинг ажралмас таркибий қисмлари бўлиб келганликларини назарда тутсак, улкан минтақа бошқарувчилик тараққиётидаги ўхшашликлар, яқинликлар сабаби маълум бўлади.

Демак, бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) мужассамланган. Аввалларги ҳам кўрилганидек, даргоҳга олий ҳукмдор (ғазнавий ҳукмдорлар «Амир» унвонига эга бўлганлар) ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган. Улар орасида «ҳожиблик» хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Ғазнавийлар даври бўйича асосий манбаларда биз ҳожибликнинг қуйидаги шаклларига дуч келдик: улуғ ҳожиб, ҳожиб, сарой ҳожиби, навбатчи ҳожиб, ҳожиб-жомадор. Улуғ ҳожиб нафақат бошқа ҳожибликлар орасида, балки умуман мамлакат ва давлат ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлган. Унга ғоятда муҳим вазифалар юклатилган. Катта аҳамият касб этувчи жангларда улуғ ҳожибга қўшиннинг энг салмоқли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш юклатилган. Масалан, олий ҳукмдор марказни бошқарса, сипоҳсолар ўнг қанотга, улуғ ҳожиб эса чап қанотга қўмондонлик қилган.

Энди шунчаки ҳожибларга келсак, фикримизча, умуман ҳожиблик бу қандайдир бир ижтимоий-сиёсий табақа сифатида кўпроқ намоён бўлади. Фараз қилиш мумкинки, ўз даври учун, ҳожиблик рицарлик тушунчасига яқин бўлса ажаб эмас.

Даргоҳ фаолиятида сипоҳлар (сарой хизматчиси), даватдор (олий ҳукмдор шахсий ҳужжатлари, ёзув-чизуви билан ишларга бош-қош хизматчи), пардадор (маҳкам, сир сақловчи, пинҳона вазифаларни бажарувчи), мартабадор (саройдаги ўрта даражадаги амалдор), фаррош (саройдаги кичик хизматчилардан), хазиначи, жомахона (кийим-кечак сақланувчи хона)каби мансаб ва хизматларнинг ҳам ўз ўрни бўлган.

Девонлар (вазирликлар) ижроия идоралари бўлганликлари тушунарли. Манбаларда бундай девонлардан бештаси номи тилга олинади: Вазир девони, яъни бош вазир девони; ҳарбий ишлар девони; дипломатик ва бошқа расмий тадбирлар, ҳужжатларни ташкил этиш, тузиш девони; ҳисоб-китоб (молия) девони; почта-хабар девони. Мазкур девонлар вазифалари ҳақида илгари ҳам сўз юритганимиз учун бу борада тўхталиб ўтмаймиз. Гарчи манбаларда мушрифлик (давлат назорати), мухтасиблик девонлари тилга олинмасада, аммо шундай хизматлар мавжудлигидан марказлашган девонлар ҳам бўлган деган хулоса чиқади (масалан, шаҳар мушрифи, вилоят мушрифи мансаблари бўлганлиги аниқ).

Вилоят каттасини волий деганлар ва уни олий ҳукмдор тайинлаган. Вилоят ижроия бошқарув ишларини амир олиб борган. Шаҳар бошлиғини раис деб атаганлар. Шаҳар миқёсида шиҳна (комендант, миршаблар бошлиғи); кутвол (қалъа коменданти), соҳиб-девон (маъмурий бошқарувчи) каби амаллар жорий этилган.

Биламизки, Ғазнавийлар, айниқса, Маҳмуд даврида қудратли қўшинга эга бўлганлар. Олий қўмондонлик ҳукмдор ихтиёрида бўлганлиги табиий. Бош қўмондонликка (сипоҳсалор) эса сулоланинг энг ишончли, асосан шу хонадон намояндаси тайинланган. Масалан, Маҳмуд бундай мансабга укаси Муҳаммад Юсуфни лойиқ топган. Катта даражадаги ҳарбий лашкарбошилар салор, ўрта даражадагилари сарханг дейилиб охиргилари хайлларга (бир неча ўн отлиқларга ҳайлтошлар) бошчилик қилганлар.

Ғазнавийлар ташқи алоқалари масаласида икки нарсага эътибор бериш лозим. Биринчи, уларнинг минтақа ҳудудидаги муносабатлари; иккинчи, Марказий Осиёдан ташқаридаги алоқалари.

Ғазнавийларни минтақанинг Мовароуннаҳр, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон қисмларида ҳукмрон Қорахонийлар билан муносабатлари ҳақида илгари тўхталиб ўтгандик. 1001 йилги Маҳмуд Ғазнавий ва Наср Қорахоний ўртасидаги келишувга биноан Амударё икки томон манфаатларини ажратиб турувчи чегара ҳисобланган. Гарчи бу аҳднома кейинчалик бир неча марта (асосан Қорахонийлар томонидан) бузилиб турган бўлсада, умуман олганда дарё икки томон учун сарҳад бўлиб қоларди. Бунинг сабабини қуйидагича тушунтириш мумкин. Ғазнавийлар учун худди ўзлари каби кучга тўлиб турган Қорахонийлар билан муносабатларни кескинлаштиришдан кўра Хоразм ва Шимолий Ҳиндистонни бўйсундириш ҳам реал, ҳам моддий жиҳатидан анча нафли эди. Буни шундан ҳам билиб олса бўладики, Маҳмуднинг ўзи Шимолий Ҳиндистонга бир неча марта юриш уюштиради. Хоразмни бўйсундиради (1017 йил). Шу маънода Маҳмуд кўпроқ узоқни ўйлайдиган, минтақадаги умумий сиёсий вазиятни яхши биладиган сиёсатчи сифатида гавдаланади. Ҳам ҳудудий, ҳам сиёсий-ҳарбий, иқтисодий жиҳатлардан ўзига яраша кучга эга бўлган Қорахонийлар билан бирданига кескин сиёсат юргизиш қалтабинлик бўларди. Шимолий Ҳиндистонда, кейинчалик Хоразмда эришилган сиёсий-ҳарбий ютуқлардан сўнг эса Ғазнавийлар Қорахонийлар билан нафақат тенгма-тенг рақобатлаша оладиган, балки улардан устунроқ мавқега ҳам етишадилар.

Салжуқийлар билан муносабатда ҳам Маҳмуд узоқни кўзлаб иш тутади. Гарчи бу вақтда Салжуқийлар (турк-ўғузлар) етуклик мавқеидан йироқда бўлсалар-да, лекин умуман бир ҳарбий куч сифатида Хуросонга хавф тўғдиришлари мумкин эди. Айниқса, Маҳмуднинг Шимолий Ҳиндистонга уюштирган юришлари чоғида бундай хавф воқеликка айланиши эҳтимолга яқин бўлган. Шунинг учун ҳам у 1025 йили турк-ўғуз уруғларидан бир қисмига (тўрт минг чодир) Хуросондан манзил беради. Кейинчалик Масъуд даврида улар кучайиб бориб Ғазнавийларга қақшатқич зарба берадилар.

Шимолий Ҳиндистон билан алоқаларга келсак, «совет» тарихшунослигида бу ўлкага Ғазнавийлар тутган сиёсатни босқинчилик, ўлжапарастлик, талон-торож хатти-ҳаракатлари орқали тушунтириб келинган. Фикримизча, бундай ёндашув унча ҳам тўғри эмас. Чунки, биринчидан Шимолий Ҳиндистон Марказий Осиёнинг тарихий таркибий қисми бўлган. Иккинчидан, марказлари Ғазна бўлган Ғазнавийлар учун Шимолий Ҳиндистон қўшни ўлка бўлгани табиий. Хуросон ё Сеистонга нисбатан уларнинг интилишлари ва умуман сиёсатлари қандай бўлса, Шимолий Ҳиндистонга нисбатан ҳам шундай эди. Учинчидан, Ғазнавийлар таъсир доирасида бўлган Шимолий Ҳиндистон ерларидаги маҳаллий сулолалар, сиёсий кучлар табиий равишда алоҳидаликка интилиш, уларга қарши курашиш, қаршилик кўрсатишлари ҳам оддий ҳол бўлган. Шуларни назарда тутган ҳолда Ғазнавийларнинг Хоразм ё Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришларини ўша давр сиёсий, иқтисодий, халқаро муносабатлари орқали баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта биз ҳар доимдагидек тўкилган қон ва кўрилган талофатларни оқлай олмаймиз.

Ғазнавийларнинг минтақадан ташқаридаги алоқалари ҳақида сўз кетса, Араб халифалиги билан муносабатлар тўғрисида тўхталишга тўғри келади. Ғазнавийлар шу замонга келиб илгариги қудратини йўқотган халифалик ҳурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилганлар. Зеро, бу уларнинг манфаатларида эди. Яъни, биринчидан, Араб халифалиги шунчалар заиф эдики, минтақадаги бирон-бир сиёсий сулола (Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва Ғазнавийларнинг ўзлари ҳам) уни реал қудрат сифатида тан олмасди. Демак, халифалик томонидан Ғазнавийларга қарши ҳарбий хатар йўқ эди. Аксинча манбадан Масъуд тили билан айтганда «Агарда халифалик даргоҳига ҳурматимиз бўлмаганда эди, ночор Бағдодга отланиб ҳаж йўлини холи қилиб қўярдик... Агар отамиз қазо қилмай Хуросонга қайтишга мажбур бўлмаганимизда албатта бугун Миср ва Шомда (ҳам ҳукмрон) бўлардик».

Иккинчидан, минтақанинг ўзида Ғазнавийларнинг рақиблари етарли эди. Яна бир, ҳатто заиф, аммо очиқдан-очиқ душман орттириш ортиқчалиги тушунарли. Учинчидан, Араб халифалигининг минтақага қўли етмаса ҳам, «тили» етарди. Яъни минтақадаги сиёсий кучларни бир-бирига гиж-гижлаш, фисқу фасод уруғларини сочиш унинг сиёсатига айланиб қолганини биз Сомонийлар даврида ҳам кўргандик.

Ташқи алоқалар ҳақида сўзни хорижий меҳмонларни қабул қилиш маросимига оид манбадан олинган қуйидаги лавҳа билан тугалласак. Баён Масъуднинг Араб халифалигининг олиймақом элчисини қабул қилиш ҳақида. «Тонг ёриша бошлаган замон тўрт минг сарой ғуломи (яъни гвардия -- А. З.) амирлик саройининг икки тарафидан бир неча қатор бўлиб саф тортдилар. (Шундан) икки минг нафари икки учли қулоҳ (кийиб) ва ўнта попуги (осилиб турган) камар (тақиб) олгандилар. Ҳар бир ғулом кумуш гурзи (тутиб турарди). Қолган икки минг (ғулом) тўрт пар қадалган қулоҳда эдилар. Белларидаги камарга ўқдон, қилич, камонни тутиб турувчи қайиш маҳкамланган, ҳар бир ғулом қўлида камон ва учтадан ўқ. Барча (тўрт минг ғулом) қимматбаҳо нафис ипакликдан (тикилган) чакмонда эди. Хос ғуломлардан уч юзтаси Амир (яъни олий ҳукмдор -- А. З.) ўлтирган супа яқинида ҳар томондан саф тортиб турардилар. Уларнинг кийимлари янада кўркам (бўлиб), (бошларида) икки учли қулоҳ, камарлари зардан (зийнатланган), гурзилари ҳам заррин (ораларидан) бир неча кишининг камарлари жавоҳирлар билан безатилганди. Яна элликолтмиш нафар нарироқда Дилмон саройи ўртасида қалқон бўлиб турардилар. Даргоҳ улуғлари, вилоятлар волийлари, ҳожиблар -- барчаси икки учли қулоҳда, зар камарлар тақиб олгандилар. Сарой ташқарисида мартабадорлар турардилар. Филларнинг сони ҳам кўп эди. Лашкар эса шай бўлиб қимматбаҳо нафис ипакликдан кийимда, соябонлар (остида), (ҳар қисм) ўз қурол яроғи, аломатлари билан бирларига қарама-қарши томонларга сафлангандилар, (худди) шулар орасидан элчи ўтиши керак эди. Элчи бошловчи безатилган отларни олиб кўпчилик ҳамроҳлигида (ташқарига) юради. (У ерда) элчини отга ўтқаздилар. (Сўнг уни бошлаб келдилар. (Шунда) бурғи, катта-кичик ноғоралар овози янграб кетдики, гўё қиёмат куни турган (дейсан). Элчини ана шундай улуғвор тақаллуф билан кузатиб бордилар. Бундай (қабул маросимини) у умрида кўрмаганди. Ғоятда ҳайратга тушган ҳолда у кўшкка қадам қўйди.

Амир (яъни олий ҳукмдор -- А. З.), Оллоҳ ундан рози бўлсин, супа олдида тахтда ўлтирарди. Халифа элчиси салом берди. У қора (кийимда) эди. Жавобни улуғ хожа Аҳмад Ҳасан берди. Амир ёнида ундан бўлак ҳеч кимса ўлтирмаганди. Қолганлар барча тик турарди. Ҳожиб Абу Наср элчи тирсагидан тутиб ўлтиришга ундади...».

Ғазнавийларнинг минтақа маданий ҳаётида тутган роли ҳақида гапирарканмиз, XI аср фан ва маданияти тараққиёти ва оламшумул ютуқларида улар ҳукмфармо бўлган макон ва замоннинг ўрни катта бўлган. Албатта бунинг сабабини энг аввало минтақанинг анъанавий фан ва маданият ўчоғи бўлиб келганлиги билан боғлаш мумкин. Шу билан бирга, фикримизча, бундай Ғазнавийлар сулоласи намояндаларининг мазкур соҳага бўлган муносабатлари, шахсий имкониятлари омили ҳам кам ўрин тутмаган. Чунончи, Маҳмуд Ғазнавий она тилиси туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукаммал билган, шеър битган. Шунинг учун ҳам бўлса керак Маҳмуд ва Ғазнавийлар марказлари ўз даврининг адабий муҳитида энг олдинги ўринларда турганлар. Фарруҳий, Унсурий, Манучеҳрий, Утбий, Гардизий, Байҳақий, Носир Хисрав каби машҳур шоирлар, тарихчилар, олимлар Ғазнавийлар ҳомийлигида фаолият кўрсатганлар. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам Ғазнавийлар саройида илм билан шуғулланиб ўзининг кўплаб машҳур асарларини, жумладан «Ҳиндистон», «Геодезия», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Масъуд қонуни», «Минералогия», «Ясайдана»ни Ғазнада ёзган.

Ғазнавийлар билан яна бир машҳур маданият арбобининг номи боғлиқ. Сўз Фирдавсий ҳақида. Форс адабиётининг даҳо шоирларидан ҳисобланмиш Фирдавсий ҳаммага маълум «Шоҳнома» асарини ўттиз йилдан ортиқ давр ичида ёзиб тугатиб, ўша замон тартиб-қоидаларига кўра давр султони Маҳмудга тақдим этади. Маҳмуд бу улкан шеърий асар (60 мингдан зиёд байтдан иборат) учун таомилга кўра шоирни тақдирлаши ва ҳурматини ўрнига қўйиши керак эди. Аммо у бундай қилмайди. Баъзи бир адабиётларда бунинг учун Маҳмудни қоралаш қонун тусига кириб қолганлигини назарда тутиб, бу масалага равшанлик киритишга ҳаракат қилайлик.. Фирдавсий ўз халқи фарзанди ва куйчиси сифатида табиий равишда Эрон-замин ва эрон халқини мадҳ этади ва бунда эронликларнинг тарихи ва фазилатлари (донолиги, шижоати ва ҳоказо) масаласини ёритишда уларга туронликларни қарши қўяди. Бугунги кун тили билан айтганда туронликлар, яъни турклар салбий «қаҳрамонлар» сифатида гавдаланади. Турк ҳукмдори сифатида Маҳмуд буни қабул қилолмаслиги табиий эди. Қайси ҳукмдор ўз халқи ўтмишига қарши руҳда битилган асарни тақдирлаган?

Бунақаси йўқ. Шунинг учун Маҳмудни қоралаш бу борада тарихий ҳақиқатга ва умуман мантиққа зиддир.

Ғазнавийлар даврида қурилиш, маориф ишларига ҳам катта эътибор берилгани маълум. Ғазна, Балх, Нишопур, Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида мадрасалар, масжидлар, хонакоҳлар, саройлар кўплаб ва кенг миқёсда қурилгани манбаларда ўз аксини топган. Мадрасаларда турли соҳадаги фанлардан дарс берилган, илми толиблар учун, ўз замонаси учун бой ҳисобланган кутубхоналар эшиги доимо очиқ бўлган.

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА УНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (3662) 31-03-46
18 январь куни -- «Икарус» автобуси, ҳаммом, дўконлар, уй-жой ва қурилиши тугалланмаган бинолар;
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (3712) 33-08-65
25 январь куни -- серҳосил ер майдонлари;
28 январда -- ГАЗ, ЗИЛ, УАЗ, ЕРАЗ, МОСКВИЧ ва бошқа русумдаги транспорт воситалари;
31 январь куни -- кўчмас мулк кимошди савдоси.
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (37322) 4-93-66
25 январь куни -- савдо маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ер майдони билан ва автотранспорт воситаларини арзон нархларда савдога чиқаради.
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (37422) 5-16-43
26 январь куни -- универмаг, чойхона, ҳаммом ва маъмурий бинолар ер майдони билан ва юк автомашиналари:
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (43622) 3-37-91
27 январь куни -- меҳмонхона, ёзги кинотеатр, чойхона ва дўконларни ер майдонлари билан бирга сотади.
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ, телефон: (36922) 6-29-96
27 январь куни -- қурилиши тугалланмаган иншоотлар, транспорт воситалари, ер майдони билан чойхона ва дўконларнинг навбатдаги кимошди савдоларини ўтказадилар.
Барча маълумотлар учун Республика кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент, Маяковский кўчаси, 6.
Телефонлар: 67-22-14, 68-24-44, 68-17-55.

КЎЧМАС МУЛК -- ЎЛМАС САРМОЯДИР!

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЯДИ

Хитой Халқ Республикаси мамлакатда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Мамлакат режалаштириш қўмитасининг хабар беришича, бу йил ғалла майдонлари 110, пахта майдонлари эса 6 миллион гектарга етказилади. Шунингдек, мева-сабзавот етиштиришни ҳам ўтган йилги миқдорда сақлаб қолиш режалаштирилган.

В. КОВАЛЕВ ВАЗИР ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Россия Федерацияси Президенти фармони билан Валентин Ковалев адлия вазири этиб тайинланди, деб хабар берди Президентнинг матбуот хизмати.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Борис Ельцин В. Ковалевни Чеченистонда юзага келган танглик туфайли ташкил этилган Конституция ва фуқаролар эркинлигига риоя қилиш бўйича кузатув комиссиясининг раиси этиб тайинлаган эди.

ҚУРОЛЛИ ТЎҚНАШУВ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Яман Президенти А. Салеҳ Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд билан телефон орқали сўзлашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат чегарачилари ўртасида юз берган қуролли тўқнашув билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди, дейилади Саудия Арабистони ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда.

Маълум бўлишича, 1 январь куни Саудия Арабистони аскарлари Яман чегарачиларини ўққа тутган. Натижада чегарачилардан 6 нафари яраланган, икки нафари эса ҳалок бўлган. Узоқ давом этиб келаётган ҳудудий баҳслар туфайли икки давлат ўртасидаги муносабат мураккаблашмоқда.

САМОЛЁТЛАР ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Корея Республикасининг Кенсан-Намбо вилоятида икки «Т-5» ўқувмашғулот самолёти бир-бири билан тўқнашиб кетиши натижасида 4 нафар учувчи ҳалок бўлган.

Кореянинг Ренгхап ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, учувчиларнинг кучли қор бўронига қарамай машғулотларни давом эттириши натижасида ушбу ҳалокат рўй берган.

АҲОЛИ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛИШИ МУМКИН

Россия Федерациясининг Приморье ўлкасида минглаб аҳоли иссиқлик таъминотисиз қолди.

Ўлка ҳокими ўринбосари ва фавқулодда ҳодисалар бўйича ўлка ҳайъати раиси Игорь Лебединецнинг хабар беришича, ёқилғи етишмаслиги сабабли ўнлаб корхоналар, жумладан, Узоқ Шарқда етакчилик қилаётган «Бор» ва «Дальполиметалл» бирлашмалари ҳам ўз фаолиятини тўхтатган.

Унинг сўзларига қараганда, Россия ҳукумати бу муаммони зудлик билан ҳал этиш учун бирор чора кўрмаса, Приморье аҳолиси жиддий хавф остида қолиши мумкин.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)

Ўзбекистонимиз номи оламга достон бўлди. Спортнинг севимли тури -- футбол туфайли ана шундай шуҳрат қозонганимиз ҳаммага аён. Юртимизда футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг эълон қилинганига ҳам салкам икки йил бўляпти. Зеро, бу тарихий ҳужжатнинг амалдаги самараси 1994 йилда кўпроқ намоён бўлди. Олдинда эса бу борада қилинадиган ишлар, эзгулик йўлида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар талайгина.

Муҳими, жаҳон футбол жамоатчилиги, миллионлаб мухлислар Ўзбекистонда спортнинг чарм тўп турига, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга аҳамият берилаётганини эътироф этмоқдалар. Бундай ҳаракатларнинг самараси эса Осиё ўйинларида эришилган улкан ғалабада намоён бўлди. Назаримда, бундай ютуқнинг тасодиф эмаслигини, юртимизда шунга яраша пухта замин мавжудлигини таъкидлаш керак. Келинг, яхшиси имкониятларимиз даражасини мамлакат миллий чемпионати якунлари билан боғлиқ ҳолда баҳолашга ҳаракат қилайлик.

Тўғри, миллий терма жамоамиз эришган муваффақиятлар кўнгилларни қувонтиради. Футболчиларимиз«Тошкент-94» халқаро турнирида ғолиб чиқиб, Голландия ўйинчилари иштирокида ўтказилган «Ўзбекистон мустақиллиги кубоги» баҳсларида ҳам совринни қўлга киритишди. Хиросимада эришилган ғалаба футболимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиши тайин. Табиийки бу ютуқда олий лига жамоаларидан қайси бирининг улуши кўпроқ, деган савол туғилиши мумкин. Агар мамлакат чемпионлари -- Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, рўй-рост уларнинг омадлари чопганлигини таъкидламай иложимиз йўқ. «Нефтчи» мамлакатимиздагина эмас, балки Осиёнинг энг кучли жамоаларидан бирига айланган. А. Фёдоров билан А. Тихоновнинг ҳимояда туришлари, С. Атоян билан А. Дўрмоновнинг вазиятни ҳис этишлари, С. Лебедев билан С. Завальнюкнинг жарима тўпларини ўринлатиб нишонга олишлари, Р. Бозоров билан Р. Дўрмоновнинг тўп уришдаги маҳорати мухлисларни беҳад қувонтирди. А. Писарев, Ш. Андреев, А. Абдурасулов, А. Мануйленколарнинг ҳаракатларида умидворлик борлиги кишини қувонтиради. Хуллас, Ю. Саркисян жамоада иноқ, ҳамжиҳат ва ҳамкор ўйинчиларни уйғунлаштириб, мураббийликни ўрнига қўймоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кучли профессионал жамоалар мавсумда кўпи билан 80 расмий учрашувда иштирок этадилар. Бу борада «Нефтчи» ана шу даражага етиб қолганлиги кўзга ташланади. Фарғоналик футболчиларнинг Катардаги Осиё чемпионлари кубогининг ярим финалга чиқиш билан боғлиқ ўйинларидан кейин улар иштирок этган учрашувлар 70 дан ортиб кетди. Шунча ўйин мобайинида руҳий ва жисмоний қувват маромини сақлаш, майдонда талаб даражасида ҳаракат қилиш ўзича бўлавермайди.

Хўш, чемпионатни иккинчи ўрин билан якунлаган «Нурафшон» ҳақида нималар дейиш мумкин? Сирасини айтганда, бухоролик футболчилар мавсумни бир текис ўтказишга ҳаракат қилишди. Уларнинг ўйинларини ўз майдонию сафарда деярли бир хил (69 минг ва 70 минг) томошабин кўздан кечиргани ҳам бежиз эмас. Сафар учрашувларида эришилган ғалабалар жиҳатидан бухороликлар «Нефтчи»га тенглашишган. Бу маваффақиятда дарвозабон А. Тиняновнинг ҳиссаси бор, албатта. Шунингдек, С. Ковшов, В. Романов, С. Эшмурзаев, М. Фомин каби ўйинчиларнинг ҳам ҳиссалари етарлидир. Ўйлаймизки, «Нурафшон» бу йилги ютуқ билан қаноатланмай, ўз имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга, юртимизда иқтидорли футболчилар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилаверади.

Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси ҳақида мухлислар илиқ гапларни айтишмоқда. Боиси, «Навбаҳор» мамлакат кубогини қўлга киритиш, миллий чемпионатда икки март-та учинчи ўринга кўтарилиш ҳамда «Пахтакор-79» хотира мусобақасида устун келиш билан эътибор топди. Бу йилги мавсумда мазкур жамоанинг ҳаммадан кам тўп ўтказиши ҳам эътиборни жалб қилади. Дарвозабон-ярим жамоа деган гап бежиз айтилмаган. Жамоа қўриқчиси Д. Башкевичнинг маҳорати ошиб бораётгани кўзга ташланмоқда. Айни пайтда «Навбаҳор»га янги қабул қилинган Ф. Магометов, О. Назаров, А. Асадуллаев ўзларини кўрсатишди. Учинчи совриндор жамоа келгусида мамлакат миллий терма жамоаси ва олимпиада терма жамоасининг таянч манбаларидан бирига айланса, ажаб эмас.

Табиийки, армиячи футболчиларнинг майдонга тушиши мухлисларда ўзгача завқ уйғотади. МҲСК жамоасининг мавсум якунида тўртинчи бўлиши ҳам шундан. Қизиғи шундаки, бу жамоада тартиб - интизом ибратли бўлиши йўлида уринилмоқда. Албатта, миллий чемпионат иштирокчиларининг ҳар бири ҳақида илиқ гаплар айтиш, йўл қўйилган камчиликлар ҳақида мулоҳаза билдириш мумкин. «Пахтакор» жамоаси ҳақида атрофлича тўхталиш ўринлидир.

Маълумки, «Пахтакор» Ўзбекистон футболининг фахри бўлиб келган. Қайси бир мухлис билан суҳбат қурсангиз, «Пахтакор» ҳақида ташвишланиб гапиради, сабабини билгиси келади. Хўш, бу жамоага нима етишмайди? Жаҳон талабларига мос ўйингоҳ шу жамоага бериб қўйилган бўлса, ўқув-машқ майдони ҳам ҳавас қилгудай, ўйинчилари ҳам ёмон саралланган эмас. Кўрсатилган натижа эса «Пахтакор» номига ярашмай қоляпти. Юртимизда миллий чемпионатлар бошланганидан бери «Пахтакор»нинг мавқеида қуйи кетиш кўзга ташланмоқда. Бу йилги мавсумни 8-ўринда якунлашганларига фақат ажабланиш мумкин.

Мавсум бошида юқори ўринлардан бирига даъвогар бўлиб турган пахтакорчиларнинг пировардида ўртамиёна жамоалар сафидан жой олиши мухлисларни ранжитмоқда. «Пахтакор» 1993 йили кумуш медал соҳиби бўлган. Лекин аксарият учрашувларда етакчи ўйинчилар маҳорати туфайли муваффақият қўлга киритилгани сир эмас. Айниқса, пахтакорчиларнинг қуйи поғоналарда бораётган жамоалар билан учрашувда хотиржамликка берилиши, фақат М. Қосимов, Н. Ҳасанов, В. Кечинов ҳамда Ш. Мақсудовларнинг маҳоратлари туфайли жамоа ҳисобига очколар ёзилганига гувоҳ бўлгандик.

Пахтакорчиларнинг ҳужумкор ва мароқли ўйин кўрсатишларига умид бор. Бу уларнинг пешқадамлар билан учрашувларида намоён бўлди. Айни пайтда пахтакорчилар 5-12 ўринларда бораётган жамоалар билан учрашувларда очко улашдилар. Балки бундай камчиликларга сабаб жамоа мураббийларининг тез-тез алмаштирилаётганлигидир.

«Пахтакор» жамоасида эркин ҳимоячи масаласи ҳал этилмаган. Бу вазифа М. Отажонов, С. Моргулис ва И. Шарипов зиммасига юкланган бўлиб, улар ишончни оқлолмай туришибди. Шунинг учун ҳам кўпгина хатоликлар ҳимоя чизиғида юз бермоқда. Дарвозабон П. Бугало эса қийин аҳволда қолмоқда. Агар пахтакорчилар жанговар кайфиятда тўп суришганда, Тошкентда ўтказилган ўйинларда беш марта мағлубиятга учрамай, ғалаба қилишлари мумкин бўларди.

Шунингдек, пахтакорчилар дарвозани нишонга олиш борасида ҳам йил сайин чекинишмоқда, дейиш мумкин. Улар дастлабки чемпионатда 94 марта дарвозани нишонга олишган бўлса, 1993 йилда бу рақам 74 тага тушиб қолди. Ўтган йили эса 55 тага тушди. Йирик ҳисобли ғалабалар борасида ҳам ана шундай манзара кўзга ташланади. Зеро, жамоа ўтган йилга қараганда тартиб-интизом борасида намуна кўрсатди. Албатта, интизом ва талабчанлик бор жойда ютуқлар ҳам бўлади. Ҳозирча, «Пахтакор»дан бирдан-бир илинжимиз ҳам шу дейиш мумкин.

Мақсад битта -- у ҳам бўлса, футболимизни янада ривожлантириш, эришилган муваффақият ва обрўни сақлаб қолиш, бўлажак халқаро ва олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш экан, ички имкониятларимиздан етарли фойдаланишимиз, кўпроқ изланишимиз зарур.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон - - футбол мамлакати бўлади

ЖАҲОН ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА, АММО...

Мамлакат чемпионати якунлари ҳақида мулоҳазалар

Билса чин, билмаса...

ҚИСМАТ

Ёнаётган ўт ўтинни қандай кемирса, кўролмаслик ва ҳасадгўйлик савобларни ҳам шундай қийратади.

(ҲАДИСДАН)

Мирободликлар уни Мўйдин кўса, деб аташади. У жуда шум, қичимаган ерини қашиб юришга одатланган. Қилтириқ бўйнида турган палакмурда, ҳандалакка монанд боши, пакана бўйи, қурумсоқ гавдасига жуда мос тушган. Бурушган, зафарон юзида ақалли бирорта тук кўринмайди. Ёшлигида чумчуқ боласини оламан, деб тутдан йиқилиб, ўнг оёғи лат егани учунми оқсаб юради. Митти, қисиқ, сариқ кўзлари айёрона боқади. Қовоқчувварага ўхшаш қулоқлари ҳамиша динг -- ҳар тўкисдан айб ахтаради.

Кўсадан қишлоқ аҳли тугул, ҳайвону жонзотлар ҳам зада бўлишган. Дарвоза олдида мудраб ётган беозор ит ҳам кўсанинг шарпасини сезса борми, дарҳол ўзини ичкари олади.

Кўса ёшлигидан ҳасаднинг этагини маҳкам тутган чоғи, уйдами, тўйдами, азадами, кўча-кўйдами, ҳамиша у билан бирга юради. Эътиқоди, маслак-мақсади бир: эзгулик, ютуқ, яхшилик, муваффақиятни кўролмайди. Шу боис не-не дилларни хасталади, ўғилни ота-онадан айирди. Қариндош-уруғлар ўртасига адоват уруғини сочди. Ўзи эса бундан ҳамиша ҳузурланди, завқланди. Қўшниси бригадир бўлди, кўролмади. Ёзди -- «Қўрбошининг невараси бригадирликка муносиб эмас». Жияни магазинчи бўлди, қитиғи келди: «Салим дўкончи тузга бир тийин қўйди, адолатданми?». Мактаб директори қишлоқ кенгаши раиси этиб сайланди, ёқмади: «раис боғчаларни еб ётибди, буюрократ!». Ишга кеч келгани учун ҳайфсан беришди. Бошлиғидан қасдини олмоқчи бўлди. Ёзди: «Касбим пашшакуш, элга фойдам тегаяпти. Қадримга етишмаяпти, дод!»

Айтиб қўяйлик: Мўйдин кўсанинг саводи ўзига яраша. Лекин, ҳамтовоқ йўлбошчилари бор. Бири товуқ фермасининг мудири эди. У паррандаларга қирон келтиргани учун ишдан ҳайдалган, иккинчиси омбор мудири бўлди. У омборнинг таги етишмаганлиги учун бинога ўт қўйганди. Ҳар иккаласи ҳам Кўсадан жуда кўп фойдаланишади. Иғвони улар чиройли ёзишиб, остига Кўсанинг исми-шарифини қўйишади. Нима қипти, «адолатпарвар» Кўсанинг қорни тўйса бас, текшир-текшир билан нима иши бор, аксинча томоша қилиб, ором олади, ёмонми?

-- Шу ўлгур касбингизни ташланг, дадаси, -- деди хотини бир куни сабр косаси тўлиб. -- Қишлоқда бош кўтариб юролмайдиган бўлдик-ку, ахир! Фарзандларингиз келажагини ўйлайсизми?!

-- Эй хотин, букрини гўр тузатади, деганлар. Бу «касаллик» мени олиб кетса кетадики, аммо... -- дея у мийиғида кулиб, хотинига бир зум қараб қолди. -- Сенга нима етишмаяпти, ўзи? Колхозда ишламасак ҳам тайёр ўйдан беришди. Газ туширишга бир тийин ҳам харажат қилганинг йўқ.

-- Катталар сизни шу билан тинчир деб ўйлашганди, эсиз!

-- Ўчир овозингни!

Кўсага хотиннинг гаплари қаттиқ ботди. Бу гал йўлига ҳамиша ғов бўлиб келган хотинидан аламини олиш ниятида бош ҳакимга ёзди: «Ойниса Тешаева туғуруқхонада чорак асрдан буён ишлайди. Ғирт порахўр. Ишонмасангиз, пул тутқазиб кўринг. Мушугини ҳеч ким пишт демайди. Бунақа дояларнинг пайи қачон қирқилади? М. Жасуров».

Қўшнисининг аёлини тўлғоқ тутди. Эри бир амаллаб туғуруқхонага олиб борди. Бахтига ҳамсояси -- Ойниса опа навбатчи экан. Ўлмасойнинг осонгина кўзи ёриди. Бахтиёржон хотини ўғил туққанини эшитиб опани имлади. Хизматчиларга берарсиз, деб унга суюнчи узатдию, қолди балога, бўлди ғавғо, бўлди томоша!!! Ойниса опа бош ҳакимга минг тушунтирмасин, инобатга олмади: Ишдан ҳайдалди.

Кўса эса бундан мамнун эди. Хотини орага тушинг, деб ялинади деган хаёлда юраверди. Аммо хотинидан садо чиқмади, уйда ўтириб олди.

Изғиринда Мўйдин кўса гандираклаб уйига келди. Хотини хамир қорирди.

-- Ҳой доя, этигимни тортсанг-чи, -- жазава қилди у.

-- Ахир, қўлим хамир, ўзингиз...

-- Шунақами, -- деди кўса ясама тишларини ғижирлатиб, -- билиб қўй, яна ёзмасам, отимни бошқа қўяман!

Кўса сирни очиб юборганди.

-- Аблаҳ экансиз! -- Ойниса опа эрига бундан муносиброқ сўз топа олмаганди шу топда. У ёнида турган ўқлов билан кўсанинг бошига туширмоқчи бўлди, лекин андиша қилди. -- Худодан топасиз!

* * *

Автобус бекатида кир-чир кийимли киши у ёқдан-бу ёққа югурар, ўзича минғирлаб, алланималарни маъқуллайди. Латта билан боғланган оқарган бармоқларига боқади. Коржомаси чўнтагидан бир неча тош олиб, синган кўзойнаги ортидан атрофга аланглайди. Дарахт шохларига қўнган чумчуқларга тош отиб, сўнг чапак чалади. Битта ҳам чумчуқ лат емаганини кўриб, ўшқиради: «Сенимми, ҳали қараб тур!» Бехос хо-холаб кулади. Бу Мўйдин кўса булиб, у ақлдан озганди...

Даврон БАҲРОНОВ.

Шеърият

ҲИКМАТОНА

Учқур отга қадду савлат, ёл керак,
Эй азиз дўст, бизга хуш аҳвол керак.

Бизга хуш аҳволни Оллоҳ лутф этар,
Ул Эгамга эътиқод алҳол керак.

Хуш феъли бўлмоқ истарсан магар,
Қўрс гапирма, суҳбат асно бол керак.

Сувдан ўтмоқ-чун гар қайиқ топмасанг,
Лоақал чўпдан ясалган сол керак.

Гар харидор ношуд ўлса, англагил,
Нархни келтирмоққа зўр даллол керак.

Бир хил эркакнинг аёлдек феъли бор,
Ҳайф белбоғ, бошига рўмол керак.

Кўп йигитлар эсли-ҳушли қиз олар,
Баъзиларга кўрк, чирой ҳам хол керак.

Шум хотинлар ўғлига қиз ахтарар,
Асли унга қиз эмас, мулк-мол керак.

Нафси ўпқон кимсалар милён йиғиб,
«Ортига, дерлар, беш-ўнта нол керак!»

Эй рафиқ, номард кишидан олма қарз,
Бир кун ўтмай қистаюр: «Дарҳол керак!»

Одамийлик дарси кўп душвор эрур,
Битта-битта ўрганишга ҳол керак.

Бир келар дунёда умр ўтказгали
Камтарона бўлса ҳам иқбол керак.

Сўз қозонин қайнатурга, Оқило,
Дурри гавҳардек сифат, тимсол керак.

КЎЗИМ НИГОРОН

Ҳижрон туни бунчаям узоқ,
Соғинчимнинг чеки йўқ, жоним.
Сувга ташла, хоҳи ўтга ёқ,
Ўзингдирсан севгим, иймоним.

Қадамингга кўзим нигорон,
Қалб тубида умид чироғи.
Исминг тилда ҳар лаҳза, ҳар он.
Тезроқ келгин, кўзим қароғи.

***

Осмон титрагайдир, оҳ урсам пурғам,
Тангу тор кўринар бу ёруғ олам.
Муҳаббатнинг оғир, ўксик йўлида,
Ризқу рўзим экан, чекаман алам.

Қалбни кемиради бир ингроқ савол,
Чидаш қийин ахир бундай хўрликка.
Наҳотки севгимиз топмишдир завол,
Висолдан дарак йўқ мендай шўрликка.

Оқилжон ҲУСАН.

Кадриятлар

ДАСТЛАБКИ ХАЙРЛИ ИШЛАР

Тошкент вилояти Қизил Ярим Ой жамиятининг ташкил топганига 55 йилдан ошди. Шу давр мобайнида у амалга оширган хайрли ишлар, ёрдамларнинг санаб адоғига етиш қийин. Жамият фақат табиий офатлардан зарар кўрганларгагина кўмак бериб қолмасдан, балки етим-есирлар, ногиронлар, боқувчисиз кексаларни ҳам ўз паноҳига олганлигини ҳар ким билавермаса керак.

Ўтган йили жамият фондига маблағ ўтказиш ўн кунлиги уч марта ўтказилди. Кейингиси декабрнинг иккинчи ярмига тўғри келди. Юқори Чирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалигида ўтказилган тантанали бу тадбирда туман ҳокимлари ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, турли биржалар, фирмалар ва кичик корхоналар раҳбарлари тўпландилар.

Тадбир халқимизнинг нақадар болажонлиги, ёрдамга муҳтожларга ҳамдардлигини яна бир карра исботлади. Иштирокчилар вилоят Қизил Ярим Ой жамияти фондига юз минг сўмлаб пул ўтказилишига кафолат бердилар. Жамият юз нафар етим-есирга муносиб совға улашгани янги йилдаги дастлабки хайрли ишлардан бири бўлди.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

«СОВҒА»ГА -- АВТОМАШИНА

Янги йил арафасида Оққўрғон туманидаги Олимкент қўрғонида яшовчи Отабой Аширматовга омад кулиб боқди. У бундан бир неча кун аввал жамғарма банкига қарашли омонат кассасидан 14 дона «Совға» лотереяси сотиб олган эди.

31 декабрь куни газетада босилган тиражга лотереясини солиштирган Отабой шошиб қолди. Чунки ундаги 065 рақамли 001386 серияли лотереяга катта ютуқ -- «Тісо» автомобили чиққан эди. Қарангки, яна бир лотереясига бир кийимлик хонатлас ютиб олди. Бу хушхабарни эшитиб ҳамқишлоқлари «Машина муборак бўлсин, Отабой» дейишмоқда.

Т. МИРЗААҲМЕДОВ.

Археологик топилма

МЕРОСИМИЗ ҚИРРАСИ

Зомин туманидаги «Моргузар» жамоа ширкат хўжалигига қарашли тоғ ён бағридаги қишлоқларнинг тарихи Усрушона давлатининг ажралмас қисми эканлиги аниқланди. Олиб борилган археологик қазилмалар, илмий изланишлар шундан дарак берди. Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археология институти мутахассислари жойларда топилган чинни буюмлар, сопол кўзалар, ғишт, қўл тегирмони намуналарини бундан минг йиллар илгари яратилган дейишмоқда.

-- Буюк Ипак йўлининг икки кунлик масофаси қадимда бизнинг ҳозирги туманимиз ҳудудида жойлашганлигини аниқлади, -- дейди туман ҳокими Ш. Абдуғаниев. -- Улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан бу фикрнинг олимлар томонидан далилланиши катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳудудларда бир пайтлар карвонсарой ҳам бўлган. Жаҳон сайёҳлари унга қўниб ўтганлигини эслаш қалбимизни фахрга тўлдиради. Халқимиз томонидан яратилган бой маданий мерос қолдиқларини эъзозлаш, уларнинг топталишига йўл қўймаслик авлодлар олдидаги бурчимиздир. Бу йил ҳам туманимиз тарихини ўрганиш ишлари давом этади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЕ, ИЎҚ-Е, НАҲОТКИ?!

МАШИНАНИ БИР ҚЎЛ БИЛАН ҲАЙДАСА...

АНГЛИЯДА бир қўл билан машина ҳайдашни яхши кўрадиганларни анча жиддий жазолар кутади. Йўл полицияси бундайларга минг фунт стерлингтача жарима солиши мумкин. Бундан тащқари, ҳайдовчининг шахсий карточкасига бешта «жарима» очкоси ёзилади. Ҳайдовчининг тўплаган очколари 12 тага етса, у маълум муддатга машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

* * *

МАЛАЙЗИЯДА машина ҳайдаб кетаётиб, овқат ейиш, ичимлик ичиш, чекиш таъқиқланганлиги ҳақидаги қонун амал қилади. Шунингдек, машинада кетаётганда эшикка ва ойнасига суяниш, кўчага ахлат отиш ҳам қатъий таъқиқлаб қўйилган.

«БЕЛГИ»СИ БОРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ЛАТВИЯДА маст бўлиб автомобиль ҳайдаган кишининг машинаси анча вақтгача белгили бўлиб юради. Бундай автомобилларга «П...ЛТ» деган алоҳида туркумдаги вақтинчалик рақам белгиси берилади. Бу рақам тақиб юрилган пайтда эскиси ДАН да туради. Бундай «тамга»ли автоҳаваскорнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган бўлса, рақам белгиланганидан икки баравар узоқ муддатда туради. Мабодо, гувоҳнома олинмай жарима тўланса, унда айбдор шу белги билан ўз машинасини икки йилгача ҳайдаб юради. Одамлар бу туркумдаги машинани кўришлари биланоқ ҳушёр тортадилар. Бунинг тарбиявий чораси анча яхши бўлмоқда. Эстонияда ҳам ичкилик ичган ишқибозларга қарши бу усулда кураш анчадан бери амалда.

ФАҚАТ БЕЛГИЛАНГАН КУНДА

КЎЧАЛАРДА автомобил ҳаракатини бирмунча қисқартириш мақсадида Филадельфия (АҚШ) шаҳри бошлиқлари ғалати буйруқ чиқардилар. Полиция бошқармаси машина эгаларига автомобил олдидаги ойнага ёпиштириш учун икки хил рангдаги гулнинг ёрлиқ қоғозини берадилар. Ҳаворанг ёрлиқ эгалари ойнинг фақат жуфт кунлари машина ҳайдаш ҳуқуқига эга бўлсалар, қизил рангдаги ёрлиғи бўлган машина эгалари тоқ кунлари кўчага чиқишлари мумкин.

КУНДУЗИ ҲАМ ЧИРОҚ ЎЧИРИЛМАЙДИ

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҳодисалари ҳақидаги статистик маълумотларни ўрганиб чиққан ва қатор тажрибалар ўтказган швециялик тадқиқотчилар автомобил чироқларини кундузи ёқиб юриш автоҳалокатнинг олдини олиши мумкин, деган қарорга келганлар. Мутахассислар келтирган далиллар шунчалик ишончлики, энди полиция кўрсатмасига биноан куну тун машиналар чироғи ўчирилмайди. Янги автомобилларда эса чироқ двигатель билан бирга ёниб, бирга ўчади.

Кенг турдаги пахта газмоллари ва махсус иш кийимларини
СОТИБ ОЛАМИЗ
Омск шаҳридаги телефонларимиз: иш жойи (3812) 25-59-26, уй 30-80-94.

«Ўзтрансмахсусқурилиш» давлат акционерлик компаниясига қарашли хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш тижорат бутлаш маркази 1995 йилнинг 2 январидан
ТУГАТИЛДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.15 Г -- 0004, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6.